

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.41/30.04.2021.Т.131.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МУРОДОВ НАВРУЗ ҚУРБОНОВИЧ

**ЙИРИК ДАРЁЛАРДАГИ ТЎҒОНСИЗ СУВ ОЛИШ ИНШООТЛАРИДАН
ИШОНЧЛИ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ
АСОСЛАРИ**

05.09.07–Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2025

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Муродов Навруз Қурбонович

Йирик дарёлардаги тўғонсиз сув олиш иншоотларидан ишончли ва самарали фойдаланишнинг илмий асослари..... 3

Муродов Навруз Қурбонович

Научные основы надежной и эффективной эксплуатации бесплотинных водозаборов на крупных реках..... 25

Murodov Navruz Kurbonovich

Scientific basis for reliable and efficient operation of damless water intakes on large rivers 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 51

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.41/30.04.2021.Т.131.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

МУРОДОВ НАВРУЗ ҚУРБОНОВИЧ

**ЙИРИК ДАРЁЛАРДАГИ ТЎҒОНСИЗ СУВ ОЛИШ ИНШООТЛАРИДАН
ИШОНЧЛИ ВА САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ
АСОСЛАРИ**

05.09.07–Гидравлика ва муҳандислик гидрологияси

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2025

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2024.4.DSc/T-865 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.ismiti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим тармоғида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи: Махмудов Илхомжон Эрназарович
техника фанлари доктори, профессор.

Расмий оппонентлар: Худайкулов Совет Ишонкулович
техника фанлари доктори, профессор

Гаппаров Фуркат Ахматович
техника фанлари доктори, профессор

Эшев Собир Саматович
техника фанлари доктори, профессор


Етакчи ташкилот: Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети.


Диссертация химояси Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти хузуридаги DSc.41/30.04.2021.T.131.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «23» «08» соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100187, Тошкент ш, Қорасу-4 мавзеси, 11-уй. Тел: (99) 434-43-28, e-mail: ismiti@minwater.uz).


Диссертация билан Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100187, Тошкент ш, Қорасу-4 мавзеси, 11-уй. Тел: (99) 434-43-28, e-mail: ismiti@minwater.uz.

Диссертация автореферати 2025 йил «30» 07 кuni таркатилди.
(2025 йил «30» 07 даги 6 рақамли реестер баённомаси).




О.Я.Гловацкий
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор


У.А.Садиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, PhD, катта илмий ходим


М.Р.Икрамова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда тўғонсиз сув олиш иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва улардан самарали фойдаланиш, иншоотларни ишончилигини таъминлашнинг инновацион технологияларни жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳозирги кунда ривожланган давлатларда, жумладан АҚШ, Австралия, Бразилия, Испания, Германия, Жанубий Корея, Япония, Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва бошқа давлатларда дарёлар сув оқимидаги лойқа оқизиклар ҳаракати назариясини такомиллаштириш, ўзанининг деформация параметрлари динамикасини прогноз қилиш, сув оқимидаги муаллақ ва туб лойқа оқизикларнинг динамик моделлаштириш ва ўзан морфометрик параметрларини аниқлаш бўйича вазифалар белгиланган. Бу борада, жумладан дарёдаги сув оқимининг гидравлик ҳамда дарё ўзанидаги морфометрик параметрларнинг ўзгаришини прогноз қилишда ишончли ва самарали технологиялардан фойдаланиш, тўғонсиз сув олиш иншоотларидан фойдаланиш даврида турғунлигини ошириш ва хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жаҳонда тўғонсиз сув олиш иншоотларининг хавфсизлик ҳолатини таъминлаш технологияларини ишлаб чиқиш ва амалиётга кенг тадбиқ этиш, уларнинг ишончли ва самарали ишлашини таъминлашнинг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ушбу йўналишда, жумладан, каскадли машина каналларининг сув манбаларида сув оқими ва ўзан морфологияси параметрлари динамикасини ишлаб чиқиш бўйича тадқиқотлар устивор ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, деформацияланувчи дарё ўзанларида лойқа оқизиклари ҳаракатининг имитация модели ҳамда земснарядларни ҳаракатини мақбул бошқаришни гидравлик моделларини ишлаб чиқиш долзарб вазифалардан ҳисобланмоқда.

Республикамизда йирик каскадли машина каналларини турғун сув билан таъминлаш, улардаги гидротехника иншоотларидан фойдаланиш даврида хизмат кўрсатиш муддатини узайтириш, бузилиш ва ишдан чиқишдан бўладиган зарарларни камайтириш, шунингдек земснарядларни самарали ишлаш тизимини такомиллаштириш бўйича технологик усулларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонида «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш учун мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, сув ресурслари тақчиллиги даврида йирик дарёлардаги тўғонсиз сув олиш иншоотларидан ишончли ва самарали фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-6024-сон Фармони

2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сонли, 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 30 августдаги “Гидротехника иншоотларининг хавфсизлиги тўғрисида” ЎРҚ-865-сонли Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 5 январдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-5-сонли, 2023 йил 1 апрелдаги “Сув ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-107-сонли Қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 19 апрелдаги “Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 196-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотларнинг шарҳи². Ҳозирги вақтда дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетлари тўғонсиз сув олиш иншоотларидан фойдаланиш даврида турғунлигини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш масалалари устида ишламоқдалар, жумладан Америка қўшма штатларининг Висксбург ва Колорадо университети лабораториялари базасида, School of Engineering of Melbourne (Австралия), Institute of Water and Environmental Engineering, Valencia (Испания), Induk Institute of Technology (Жанубий Корея), Гидротехника институти (Россия), Б.Е.Веденеев номидаги Умумроссия гидротехника илмий-тадқиқот институти, Москва давлат атроф-муҳит муҳандислиги институти, Нижегород давлат архитектура-қурилиш университети, Тожикистон Фанлар академияси сув муаммолари, гидроэнергетика ва экология институти, “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” Миллий тадқиқот университети, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Деформацияланувчи тубга эга ўзанлардаги гидравлик жараёнлар ўта мураккаб масала ҳисобланиб, ушбу масалалар ҳам назарий ва экспериментал жиҳатдан ҳозирги кунга қадар яхши ўрганилмаган. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги махсус лабораторияларда 100 йилдан ортиқ вақт давомида турли хусусиятларга эга дарё ўзанларини экспериментал имитация моделларини яратиш борасида тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, юқорида қайд этилган илмий-тадқиқот лабораторияларида ўтказилаётган тадқиқотлар қайси

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи <https://www.scopus.com/>; <https://www.springer.com/>; <https://www.scienceproblems.ru/>; <https://scholar.google.com/>; <https://www.sciencedirect.com> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

бир турдаги ўзан жараёнларини шаклланиш сабаблари ва хусусиятларини ҳамда ўзан рельефини шаклланиши ва динамикасини, лойқа чўкинди оқизиклар ҳаракатини, дарё ўзанларига табиий ва антропоген омиллар таъсирини лаборатория шароитларида етарлича ўрганилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дарёлар сув оқимидаги лойқа оқизиклар ҳаракати назариясини такомиллаштириш билан боғлиқ масалалар В.М.Маккавеев, В.В.Глушков, В.Н.Гончарова, А.Хазен, Н.Крамеров, М.А.Великанов, В.Ф.Пушкарев, И.В.Егиазаров, К.И.Россинский, Н.С.Знаменский, Н.А.Михайлов, Г.И.Шамов, Г.В.Лопатин, Г.С.Башкирова, А.В.Караушев, М.А.Дементьева, Г.И.Баренблатт, А.Н.Колмогоров, О.Чепа, А.Я.Шварцман, Г.С.Башкиров, Х.Свенсон, А.М.Мухамедов, Х.Исмагилов, Ё.Мухамедов, Д.Р.Базаров ва ҳ.к. каби олимлар ишларида яхши ўрганилган. Сув оқимидаги муаллақ ва туб лойқа оқизикларнинг динамик моделларини ишлаб чиқишда, сув оқими ва лойқа заррачаларининг ўзаро таъсирда вужудга келадиган жараёнларнинг қонуниятларини билиш зарур бўлади. Ушбу қонуниятлар В.Эри, Д.Стокс, А.Хазен, Р.Ричардс, Б.В.Архангельский, В.Н.Гончаров, В.В.Романовский каби олимлар ишларида яхши ўрганилган. Улар томонидан муаллақ лойқа заррачаларини тадқиқ этишда диффузион назарияни қўллаш таклиф этилган. Лойқа чўкиндилар транспортини ҳисоблаш услублари, диффузион назария инструментлари орқали куйидаги Г.С.Башкиров, А.В.Караушев, Т.Карман, О.Брайен, Н.А.Михайлов, Г.И.Баренблатт, Ф.И.Франклен, О.Чепа, А.Я.Шварцман ва ҳ.к. каби олимлар ишларида янада такомиллаштирилган. Ушбу тадқиқотлар назарий жиҳатдан катта аҳамиятга эга ҳисобланиб, аммо амалий жиҳатдан кенг миқёсда жорий этилмасдан қолган. Шу билан бир қаторда муаллақ лойқа оқизик оқимлари характеристикаларини ҳудудий умумлаштириш ҳамда уларни шаклланиш шартлари ва режимларини баҳолаб таҳлил қилиш масалалари АҚШ, Россия, Хитой, Миср, Япония каби мамлакатларнинг етакчи илмий тадқиқот муассасалари томонидан етарлича ўрганилиб келинмоқда. Жумладан етакчи илмий-тадқиқот муассасалари томонидан ўзан жараёнларининг динамик табақаланиши ва уларнинг турлари яхши ўрганилган.

Текисликдаги дарёлар оқимида лойқа чўкиндиларни транспорт масалаларига бағишланган илмий-тадқиқот ишларининг ретроспектив таҳлилларига кўра, лойқа чўкиндиларнинг транспорт масалаларини ечишда асосан диффузион ва гравитацион назариялар услублари кенг қўлланилиб келинмоқда. Йирик тўғонсиз сув олиш иншоотлари ва дарё сув оқимини ростловчи иншоотлар жойлашган қисмида рўй берадиган мураккаб гидрологик, гидравлик ва марфологик жараёнларни тадқиқ қилиш, борасида А.М.Мухамедов, Ё.С.Мухамедов, Х.Исмагилов, Д.Р.Базаров, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Э.Ж.Махмудов, М.Бакиев, О.Я.Гловацкий, А.М.Арифжанов, М.Р.Икрамова, Ҳ.Х.Ишанов, С.И.Худайкулов, И.Э.Махмудов ва бошқа олимлар ишларида янада такомиллаштирилган.

Лойқа чўкиндиларнинг турбулент кўчиши уч ўлчовли фаза ва ностационар ҳолат учун умумий ҳолда келтирилган. Ундан ташқари муаллақ лойқа чўкиндилар заррачаларининг ҳаракатини диффузион тенгламалари, динамик

яъни гравитацион назария тенгламалари билан узвий боғланган. Аммо ушбу тенгламаларни сонли ечимларини амалга ошириш учун чегаравий ва бошланғич шартлардан ташқари, тенгламалардаги асосий параметрлар учун эмпирик ёки ярим эмпирик тенгламаларни киритиш талаб этилади. Ушбу эмпирик ёки ярим эмпирик ифодаларнинг адекватлиги кенг қамровли экспериментал тадқиқотлар асосида текширилиши талаб этилади. Юқорида қайд этилган ҳолатлар йирик дарёлардаги тўғонсиз сув олиш иншоотларидан ишончли ва самарали фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқишни тақозо этади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг илмий-тадқиқотлари режасининг ПЗ-2020112930 “Йирик дарёлардан тўғонсиз сув олиш гидротехника иншоотларидан фойдаланишда гидравлик мослаш технологиясини ишлаб чиқиш” мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тўғонсиз сув олиш иншоотлари жойлашган дарё участкаларида сув оқими ва ўзанининг деформация параметрлари динамикасини прогноз қилиш асосида земснарядлар ҳаракатини мақбул бошқаришнинг гидравлик усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

текисликдаги дарёлардаги лойқа чўкиндиларни шаклланиш ва транспорти билан боғлиқ илмий ишларнинг ретроспектив таҳлили;

Қарши машина каналининг бош сув олиш иншооти жойлашган Амударё участкаси ҳамда I-насос станцияга сув келтирувчи каналда сув оқимининг гидравлик ва ўзан морфометрик параметрларини аниқлаш бўйича эксперимент тадқиқотларни ўтказиш;

Амударёнинг тўғонсиз сув олиш иншооти (ҚМК) жойлашган қисмининг ва сув олиб келувчи каналнинг гидравлик ва морфологик параметрлари хусусиятларини лаборатория шароитида тадқиқ қилиш;

дарёнинг тўғонсиз сув олиш иншоотлари жойлашган қисми ва сув олиб келувчи каналдаги земснарядларни мақбул ишлашини таъминловчи технологик ва стохастик параметрларни тадқиқ қилиш;

Қарши машина каналига сув келтирувчи каналдаги лойқани тозаловчи земснарядларни самарали ва ишончли ишлашини баҳолашни услубини такомиллаштириш;

дарё ўзани тубида лойқа оқизиклар динамикасининг гидравлик моделини ишлаб чиқиш;

деформацияланувчи дарё ўзанларида лойқа оқизиклари ҳаракатининг имитация моделини ишлаб чиқиш;

земснарядларни ҳаракатини мақбул бошқаришни гидравлик моделини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қарши машина каналининг бош сув олиш иншооти жойлашган Амударё участкаси ҳамда I-насос станцияга сув келтирувчи канал танлаб олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Амударёнинг тўғонсиз сув олиш иншооти (ҚМК) жойлашган қисмида сув оқими ва ўзанининг морфометрик параметрларини динамикаси билан боғлиқ гидродинамик жараёнларни тадқиқ этиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида текислик дарёларидаги ўзан деформациясини ҳисоблашни назарий услублари, экспериментал тадқиқотларининг умумий қабул қилинган усуллари, математик моделлаштириш ва уларни сонли ечиш усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

дарёнинг тўғонсиз сув олиш иншоотлари жойлашган қисми ва сув олиб келувчи каналдаги земснарядларни мақбул ишлашини таъминловчи технологик ва стохастик параметрлар дарё ёки канал участкаларида ўзан туби рельефи динамикасини прогноз қилиш орқали асосланган;

Қарши машина каналига сув келтирувчи каналдаги лойқани тозаловчи земснарядларни самарали ва ишончли ишлашини баҳолаш услуги, ўзандаги рифеллар динамикасига боғлиқ ҳолда земснарядлар иш режимини мақбуллаштириш орқали такомиллаштирилган;

сув оқимининг узлуксизлик гипотезаси ҳамда Лагранж усули асосида дарё ўзани тубида лойқа оқизиклар динамикасининг гидравлик модели ишлаб чиқилган;

муаллақ ва туб лойқа чўкинди заррачаларининг ҳаракат траекториясининг параметрик тенгламаси ҳамда Лагранж-Лиувилль динамик масаласи асосида деформацияланувчи дарё ўзанларида рифеллар ҳаракатининг имитация модели ишлаб чиқилган;

стохастик тизимлар ва бошқариш назарияси усуллари асосида земснарядларни ҳаракатини мақбул бошқаришнинг гидравлик модели ишлаб чиқилди.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

деформацияланувчи ўзан хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда туб ва муаллақ оқизик заррачалар ҳаракат режимига аниқлик киритилган;

туб заррачаларни муаллақ ҳолатга ўтиши ёки аксинча муаллақ ҳолатдан ўзан туби бўйлаб сирпанувчи ҳаракат ҳолатига ўтиши билан боғлиқ барқарор режим даврийлигини такрорланиши асосланган;

сув оқимидаги лойқа оқизик заррачаларини муаллақ ҳаракат ҳолатига ўтишининг чегаравий тезлик компонентларини аниқлаш услуги асосида муаллақ лойқа чўкинди заррачаларининг ҳаракат траекториясини параметрик аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

сув оқимининг турли гидравлик параметрлари динамикасини прогноз қилиш бўйича ишлаб чиқилган усуллари асосида дарё участкалари ҳамда каналларда земснарядлар иш режимини мақбул бошқариш услуги ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ечимларни ишлаб чиқишда умум қабул қилинган гидродинамика қонуниятлари ва математик усулларга асосланганлиги, олинган

назарий натижаларни амалда ўтказилган тадқиқотлар натижалари билан солиштирилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Қарши машина каналига сув келтирувчи каналдаги лойқани тозаловчи земснарядларни самарали ва ишончли ишлашини баҳолаш услуги такомиллаштирилиши, Лагранж усули асосида дарё ўзани тубида лойқа оқизиклар динамикасининг гидравлик модели ишлаб чиқилганлиги, Лагранж-Лиувилль динамик масаласи асосида деформацияланувчи дарё ўзанларида рифеллар ҳаракатининг имитация модели ишлаб чиқилганлиги, бошқариш назарияси усуллари асосида земснарядларни ҳаракатини мақбул бошқаришнинг гидравлик модели ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, деформацияланувчи ўзан хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда туб ва муаллақ оқизик заррачалар ҳаракат режимига аниқлик киритилган. Туб заррачаларни муаллақ ҳолатга ўтиши ёки аксинча муаллақ ҳолатдан ўзан туби бўйлаб сирпанувчи ҳаракат ҳолатига ўтиши билан боғлиқ барқарор режим даврийлигини такрорланиши асосланган. Сув оқимидаги лойқа оқизик заррачаларини муаллақ ҳаракат ҳолатига ўтишининг чегаравий тезлик компонентларини аниқлаш услуги асосида муаллақ лойқа чўкинди заррачаларининг ҳаракат траекториясини параметрик аниқлаш усули ишлаб чиқилган. Сув оқимининг турли гидравлик параметрлари динамикасини прогноз қилиш бўйича ишлаб чиқилган усуллари асосида дарё участкалари ҳамда каналларда земснарядлар иш режимини мақбул бошқариш услуги ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тўғонсиз сув олиш иншоотлари жойлашган дарё участкаларида сув оқими ва ўзаннинг деформация параметрлари динамикасини прогноз қилиш асосида земснарядлар ҳаракатини мақбул бошқаришнинг гидравлик усуллари ишлаб чиқиш бўйича олинган натижалар асосида:

сув оқимидаги лойқа оқизик заррачаларини муаллақ ҳаракат ҳолатига ўтишининг чегаравий тезлик компонентларини аниқлаш услуги асосида ишлаб чиқилган муаллақ лойқа чўкинди заррачаларининг ҳаракат траекториясини параметрик аниқлаш усули, сув оқимининг турбулент ҳаракатида дарё ўзани тубидаги рифеллар динамикасини ҳисоблаш усули Аму-Қашқадарё ИТХБ фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 03 декабрдаги 05/13-4593-сонли маълумотномаси). Натижада, земснарядларни эксплуатация харажатлари 2-3 фоизга иқтисод қилиш имконини берган;

Қарши машина каналининг I-НС га сув келтирувчи каналда ишлаётган земснарядларнинг ишончлилик ва самарадорлик ҳолатини баҳолаш, уларнинг мақбул сонини аниқлаш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар ҳамда сув оқимининг турли гидравлик параметрлари динамикасини прогноз қилиш бўйича ишлаб чиқилган усуллар асосида ишлаб чиқилган дарё участкалари ҳамда каналларда земснарядлар иш режимини мақбул бошқариш услуги Қарши магистрал

каналдан фойдаланиш бошқармаси фаолиятига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 03 декабрдаги 05/13-4593-сонли маълумотномаси). Натижада земснарядларни эксплуатацияси билан боғлиқ электр энергияси харажатларини 8-10 фоизга тежаш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 26 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 20 та мақола, жумладан 8 таси маҳаллий ва 12 таси хорижий журналларда, 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигидан илмий ишга тегишли 1 та патент ва 2 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 161 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида диссертация тадқиқотининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари шакллантирилган, Ўзбекистон республика фан ва технологияларини ривожланишнинг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий зарурияти ва аҳамиятлари очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Текисликдаги дарё лойқа чўкиндиларини шаклланиш ва транспорти билан боғлиқ илмий ишларнинг ретроспектив таҳлили”** деб номланган биринчи бобида текисликдаги дарё лойқа чўкиндиларини шаклланиш ва транспорти билан боғлиқ илмий ишларнинг ретроспектив таҳлили келтирилган. Жумладан, муаллақ ва туб лойқа оқизиклар динамикасини, лойқа оқизиклар ва сув оқимининг ўзаро ҳаракати, ўзанда лойқа чўкиндиларни чўкиши натижасида ўзан тубини деформацияси ва сув оқимидаги лойқа оқизикларни транспортини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқиш ва такомиллаштиришга бағишланган илмий-тадқиқот ишларининг таҳлиллари амалга оширилган.

Сув оқимидаги муаллақ ва туб лойқа оқизикларнинг динамик моделларини ишлаб чиқишда, сув оқими ва лойқа заррачаларининг ўзаро таъсирда вужудга келадиган жараёнларнинг қонуниятлари В.Эри, Д.Стокс, А.Хазен, Р.Ричардс, Б.В.Архангельский, В.Н.Гончаров, В.В.Романовский каби олимлар ишларида яхши ўрганилган. Туб лойқа оқизиклар динамикаси ва уларни ўзан туби

рельефини шакллантириш назарияси билан, Ф.Экснер, Н.Крамеров, В.Н.Гончаров, И.В.Егиазаров, Г.В.Лопатин, К.И.Россинский, Н.С.Знаменская ва бошқ. каби олимлар чуқур шуғилланишган. Муаллақ лойқа чўкиндлар динамикасини ҳисоблаш усуллари В.Н.Гончаров, Е.Майер-Петров, Ф.Мюллер, Г.И.Шамов, Г.В.Лопатин ва ҳ.к. олимлар ишларида яхши ўрганилган.

Лойқа чўкиндлар транспортини ҳисоблаш услублари, диффузион назария инструментлари орқали қуйидаги Г.С.Башкиров, А.В.Караушев, Т.Карман, О.Брайен, Н.А.Михайлов, Г.И.Баренблатт, Ф.И.Франклен, О.Чеп, А.Я.Шварцман ва ҳ.к. каби олимлар ишларида янада такомиллаштирилган. Ушбу тадқиқотлар назарий жиҳатдан катта аҳамиятга эга ҳисобланиб, аммо амалий жиҳатдан кенг миқёсда жорий этилмасдан қолган.

М.А.Великанов, В.М.Маккаев, А.Н.Колмогоров, И.И.Леви, А.Д.Грешаев ва ҳ.к. олимларнинг ишларида лойқа чўкиндларни ҳаракатини ҳисоблаш услублари гравитацион назарияга асосланган бўлиб, муаллақ ва ўзан тубидаги лойқа оқизик заррачалари ҳаракатини ҳисоблашда сув оқими томонидан бажарилган ишни ҳисоблаш орқали аниқлаш таклиф этилган. Бунда оқим томонидан бажариладиган иш, оқимни ўрталаштириш орқали аниқланадиган пульсация энергияси орқали топилган.

Деформацияланувчи тубга эга ўзанлардаги гидравлик жараёнлар ўта мураккаб масала ҳисобланиб, ушбу масалалар ҳам назарий ва эмпирик жиҳатдан ҳозирги кунга қадар яхши ўрганилмаган.

Дунёнинг ривожланган мамлакатларидаги махсус лабораторияларда кўп йиллардан бери турли хусусиятларга эга дарё ўзанларини экспериментал имитация моделларини яратиш борасида тадқиқотлар амалга оширилган. Ушбу лаборатория тадқиқотларини амалга оширишдан мақсад турли ўзан жараёнларида дарё ўзанларини шаклланиши шартлари ва уларни ўзгариш механизмларини тадқиқ қилиш ҳисобланади. Ушбу мақсадда ўтказилаётган тадқиқотлар қайси бир турдаги ўзан жараёнларини шаклланиш сабаблари ва хусусиятларини ҳамда ўзан рельефини шаклланиши, ва динамикасини, лойқа чўкинди оқизиклар ҳаракатини, дарё ўзанларига табиий ва антропоген омиллар таъсирини лаборатория шароитларида тўлиқ ўрганиш имкониятларини яратган.

Амударё дарёсининг йирик тўғонсиз сув олиш иншоотлари ва дарё сув оқимини ростловчи иншоотлар жойлашган қисмида рўй берадиган мураккаб гидрологик, гидравлик ва морфологик жараёнларни тадқиқ қилиш борасида А.М.Мухамедов, Я.С.Мухамедов, Ҳ.Исмагилов, Д.Р.Базаров, Ф.Ҳ.Ҳикматов, Э.Ж.Махмудов, А.М.Арифжанов, М.Р.Икрамова, Ҳ.Х.Ишанов, С.И.Худайкулов, И.Э.Махмудов ва ҳ.к. ишларида дарёдаги сув оқими, лойқа оқизикларнинг гидравлик параметрларини ва ўзанда рўй берадиган мураккаб морфологик жараёнларни тадқиқ қилиш борасида етарлича ишлар амалга оширилган.

Шу билан бир қаторда йирик дарёлардаги тўғонсиз сув олиш иншоотларидан ишончли ва самарали фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш масалалари етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объектида олиб борилган экспериментал тадқиқотлар ва уларнинг натижалари”** деб номланган иккинчи бобида дарёнинг тўғонсиз сув олиш иншооти жойлашган қисми ҳамда сув олиб келувчи

каналда сув сарфи, тезлиги, чуқурлиги ва ўзанинг морфометрик параметрларининг экспериментал тадқиқотларининг натижалари келтирилган. Экспериментал тадқиқотлар Туркманистон Республикаси ҳудудидаги дарёнинг тўғонсиз сув олиш иншооти жойлашган участкаси ҳамда Қарши машина каналининг I-насос станциясигача бўлган 21 км қисмида амалга оширилган. Эксперимент ўтказиш услубига асосан, Амударё дарёсидан каналнинг I-насос станциясигача бўлган масофада, 22 та створ танлаб олинган ва ҳар бир створларда каналдаги сув сарфи, тезлиги, чуқурлиги ва ўзан асосий морфометрик параметрлари экспериментал аниқланган.

Барча танлаб олинган створларда каналнинг кўндаланг қирқими бўйлаб сув сарфи, кўндаланг кесим юзаси (жонли қирқим юзаси), сувнинг ўртача тезлиги ва максимал чуқурлигини аниқлаш ишлари олиб борилди. Ўлчов тадқиқотлари GPS қурилмали SONTEK S5 русумли доплер-профилограф ёрдамида бажарилди (1-жадвал).

1-жадвал



Створнинг кўндаланг қирқим юзаси, ўртача тезлик, сув сарфи ва максимал чуқурлик кўрсаткичлари

Створ рақами	Пикет рақами	Кўндаланг кесим юзаси (м ²)	Ўртача тезлик (м/с)	Сарф (м ³)	Максимал чуқурлик (м)
1	0+50	236,75	0,77	182,3	6,5
2	1+50	236,49	0,77	182,1	6,3
3	4+00	239,34	0,76	181,9	6,8
4	5+20	242,35	0,75	181,76	6,9
5	7+32	241,61	0,75	181,21	5,8
6	10+00	237,33	0,76	180,37	5,9
7	13+00	300,32	0,6	180,19	6,1
8	17+18	272,77	0,66	180,03	7,4
9	20+30	280,77	0,64	179,69	7,6
10	25+06	275,80	0,65	179,27	6,3
11	30+00	266,79	0,67	178,75	6,4
12	33+00	251,22	0,71	178,364	6,2
13	39+50	246,84	0,72	177,724	6,2
14	54+00	247,96	0,714	177,044	5,8
15	59+40	245,04	0,72	176,426	5,3
16	68+00	240,90	0,73	175,856	5,3
17	76+40	247,01	0,71	175,376	5,8
18	102+3	242,05	0,721	174,516	5,7
19	110+13	245,05	0,71	173,988	4,6
20	123+98	239,44	0,724	173,351	4,4
21	134+10	236,65	0,73	172,753	5,7
22	146+90	236,02	0,73	172,293	5,4

Дарё ўзанида ўрнатилиб ишлатилаётган 1 чи земснаряддан 50 метр масофа ўтгандан сўнг 1-створ танлаб олинган бўлса, ҚМК га кириш қисмидан 400 м узоқликда ўрнатилган земснаряддан 50 метр масофа олдинда 2-створ танлаб олинди. Танлаб олинган створларда ўлчов-тадқиқотлари олиб борилди.

1-створ-Амударё. Дарёдан ҚМК га киришга 350 метр олдинда, дарё ўзанида, сув сарфи 941,2 м³/с, кўндаланг кесим юзаси (жонли қирқим юзаси) 1238,4 м², сувнинг ўртача тезлиги 0,76 м/с, максимал чуқурлик 4,8 м эканлиги аниқланди.


2-створ-Амударё. Дарёнинг ҚМК га кириш қисмидан 350 метр ўтганда, дарё ўзанида, сув сарфи 759,8 м³/с, кўндаланг кесим юзаси (жонли қирқим юзаси) 1039,7 м², сувнинг ўртача тезлиги 0,73 м/с, максимал чуқурлик 4,7 м эканлиги аниқланди. Дарёнинг 1 ва 2-створидаги ўлчов-тадқиқот кўрсаткичлари 1-расмда келтирилган.



Расм-1. Створнинг кўндаланг кесим юзаси ва профили

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатмоқдаки, кўп сувлилик йилларида I-НС га сув олиб келтирувчи каналда лойка чўкинди заррачасининг геометрик катталиги 0,2 мм дан кичик бўлса, каналнинг бошланғич пикетидан I-НС жойлашган пикетига қадар сув оқими билан ҳаракатланади. Аммо кам сувлилик йилларида турли омиллар таъсирида ушбу катталиқдаги заррачалар канал тубига чўкиб, заррачалар ўртасида кучли тортишиш (сцепления) вужудга келади ва қаттиқ зичлашади. Бу эса ўз навбатида земснарядларни ишлаш имкониятларини чегаралайди.

Диссертациянинг **“Амударёнинг тўғонсиз сув олиш иншооти (ҚМК) жойлашган қисмини ва сув олиб келувчи канални гидравлик ва морфологик параметрларини экспериментал тадқиқотлари”** деб номланган учинчи бобида дарёнинг тўғонсиз сув олиш иншоотлари жойлашган қисмининг ва сув олиб келувчи каналнинг физик моделида лаборатория экспериментлари амалга оширилган (2-расм).




Расм-2. Физик модел ва танланган створларнинг жойлашган ўрни.

Йирик дарёлардан тўғонсиз сув олиш гидротехника иншоотларидан фойдаланишда, гидравлик мослаш технологиясини яратиш мақсадида институт ҳудудида Амударё ва ҚМК ўзанининг 1:100 масштабда физик модели қурилди.


Лойқа заррачалар ҳаракати турлари лойиҳа доирасида шакллантирилган физик моделда қуйидаги услуб орқали тадқиқ қилинди:

- Лойқа заррачалари теннис шарикчалари ҳаракатини видео кадрларга фиксация қилиш орқали ўрганилди.
- Муаллақ заррачалар оқ шариклар билан, ўзан туби бўйича ҳаракатланадиган лойқа заррачалар қизғиш рангли шарчаларни ҳаракатини кузатиш орқали ўрганилди.

Физик моделдаги дарё ўзанининг 1-1 створининг максимал сув сарфдаги кенлиги $B=3,4$ м ни, кўндаланг кесим юзаси $\omega=0,136$ м² ни, оқимнинг максимал тезлиги $V=0,7$ м/с ни ва сувнинг максимал чуқурлиги $H=5,5$ см ни ташкил этди. 1-1 створда ўтказилган ўлчовлар асосида олинган натижалар орқали турли тезликлар учун дарё ўзанининг морфологияси (профили) аниқланди. 3-расмда оқим тезлиги 0,4 м/с бўлганда, 4-расмда оқим тезлиги 0,5 м/с бўлганда, 5-расмда оқим тезлиги 0,6 м/с бўлганда, 6-расмда оқим тезлиги 0,7 м/с бўлганда ўзан тубининг профили ўзгаришлари келтирилган.



Расм-3. 0,4 м/с оқим тезлигида 1-1 створ бўйича ўзан профили



Расм-4. 0,5 м/с оқим тезлигида 1-1 створ бўйича ўзан профили




Расм-5. 0,6 м/с оқим тезлигида 1-1 створ бўйича ўзан профили




Расм-6. 0,7 м/с оқим тезлигида 1-1 створ бўйича ўзан профили

Физик моделдаги дарё ўзанининг 2-2 створининг максимал сув сарфдаги кенглиги $V=1,3$ м ни, кўндаланг кесим юзаси $\omega=0,050$ м² ни, оқимнинг максимал тезлиги $V=0,7$ м/с ни ва сувнинг максимал чуқурлиги $H=5,5$ см ни ташкил этди.


2-2 створда ўтказилган ўлчовлар асосида олинган натижалар орқали турли тезликлар учун дарё ўзанининг морфологияси (профили) аниқланди. 7-расмда оқим тезлиги 0,4 м/с бўлганда, 8-расмда оқим тезлиги 0,5 м/с бўлганда, 9-расмда оқим тезлиги 0,6 м/с бўлганда, 10-расмда оқим тезлиги 0,7 м/с бўлганда ўзан тубининг профили ўзгаришлари келтирилган.




Расм-7. 0,4 м/с оқим тезлигида 2-2 створ бўйича ўзан профили



Расм-8. 0,5 м/с оқим тезлигида 2-2 створ бўйича ўзан профили



Расм-9. 0,6 м/с оқим тезлигида 2-2 створ бўйича ўзан профили




Расм-10. 0,7 м/с оқим тезлигида 2-2 створ бўйича ўзан профили


Физик моделда сув оқими билан муаллақ ва тубдан ҳаракатланаётган лойқа чўкиндиларни динамикасини тадқиқ қилиш мақсадида теннис шарикчаларидан фойдаландик. Яъни оқ шарчалар муаллақ, қизғиш рангдагиси эса тубдан ҳаракатланаётган лойқа чўкиндиларни ҳаракат динамикасини ўрганиш учун фойдаланилди (11-14-расмлар).




Расм-11. Физик моделда $v_{оқ} = 0,73 \frac{м}{с}$ бўлганда туб ва муаллақ оқизиқларни кинематик характеристикаси.



Расм-12. Физик моделда $v_{оқ} = 0,76 \frac{м}{с}$ бўлганда туб ва муаллақ оқизиқларни кинематик характеристикаси.



Расм-13. Физик моделда $v_{оқ} = 0,60 \frac{м}{с}$ бўлганда туб ва муаллақ оқизикларни кинематик характеристикаси.



Расм-14. Физик моделда $v_{оқ} = 0,56 \frac{м}{с}$ бўлганда туб ва муаллақ оқизикларни кинематик характеристикаси.

Тажрибаларга кўра, сув оқимининг $0,75 \text{ м/с}$ тезлигида лойқа чўкинди заррачалари $7-9 \text{ об/сек.}$ билан ҳаракати кузатилди. Лойқа заррачаси сифатида қизғиш рангдаги теннис шарчаси ҳаракатини кузатиш орқали шарча сирти атрофидаги тезлик $0,3-0,4 \text{ м/с}$ бўлиб, сув оқими тезлигига нисбатан ($0,3-0,4 \text{ м/с}$) u ни ташкил этди. Шарча диаметрини 30 мм деб қабул қилсак гидравлик йириклик қиймати ўртача 380 мм/с ёки $0,38 \text{ м/с}$ ни ташкил этди. Ушбу ҳолат лойқа чўкинди заррачаларининг оқимнинг юқори қатламларида ҳаракат қилиши учун заррачаларнинг гидравлик йириклик қийматига нисбатан сув оқимининг тезлиги икки баробар катта бўлиши керак экан.

Диссертациянинг “Дарёнинг тўғонсиз сув олиш иншоотлари жойлашган қисми ва сув олиб келувчи каналида земснарядларни ишлаш ҳолатини тадқиқ қилиш” деб номланган тўртинчи бобида дарёнинг тўғонсиз сув олиш иншоотлари (ҚМК) жойлашган қисми ва сув олиб келувчи каналида эксплуатация қилинаётган земснарядларнинг техник характеристикалари, земснарядларни эксплуатацияси билан боғлиқ илмий-техник масалалар ҳамда земснарядларни мақбул ишлашини таъминловчи технологик ва стохастик параметрлар тадқиқ қилинган. Қарши машина каналига сув келтирувчи каналдаги лойқани тозаловчи земснарядларни самарали ва ишончли ишлашини баҳолаш услуги такомиллаштирилган. Натурада амалга оширилган эксперимент ўтказиш даврида I-насос станциясига сув келтирувчи бош ўзан каналининг ПК0+00 дан ПК 209+00 гача бўлган қисмида 17 та земснарядлар томонидан яъни, Амударё ўзанини ростлаш ишларига 2 дона (дизель) ва I-насос станциясига сув келтирувчи 21 км узунликдаги Бош ўзан каналини доимий равишда лойқадан тозалаш ишларига 15 дона (электр.) земснарядлар жалб қилинган. Объектда 2022 йилнинг 13 март ҳолатига $3,0 \text{ млн.м}^3$ лойқадан тозалаш ишлари бажарилган бўлиб, $8,4 \text{ млн.квт/соат}$ электр энергия, $17,9 \text{ тонна}$ дизел ёқилғиси сарфланган.


2022 йилнинг март ойида диссертация доирасида замонавий SONTEK S5-River Surveyor маркали акустик доплер-профилограф ёрдамида 21 км узунликдаги каналда сув оқимининг гидравлик параметрларини аниқлаш бўйича ўлчов ишлари амалга оширилди. Ўлчов ишлари натижаларига кўра канал ўзани бўйлаб $9,4 \text{ млн.м}^3$ чўккан қолдиқ лойқа борлиги аниқланган. Бунда, каналнинг бош қисмида канал туби лойихавий 238.00 белгидан ўртача $2,5 \text{ метр}$, сув тиндиргич қисмида лойихавий 234.5 белгидан ўртача $5-6 \text{ метр}$ гача кўтарилиб

кетганлиги аниқланган. ПК 0+00 дан 0+50 гача оқим буйлаб ўнг қирғоқда канал туби лойиҳа бўйича 238.00 белгини ва эни 27 метрни ташкил қилиб, шундан ўртача 8-9 метр жойи, ПК 6+00 дан 7+50 гача канал туби лойиҳа бўйича 238.00 белгини ва эни 27 метрни ташкил қилиб шундан тўлиқ канал туби, ПК 39+00 дан 39+50 гача канал туби лойиҳа бўйича 237.00 белгини ва эни 61 метрни ташкил қилиб, шундан оқим бўйлаб ўнг томонини 25-30 метр қисми қаттиқ тоғ жинсларидан ташкил топганлиги сабабли чуқурлаштириш имкони йўқ.


Земснарядларни ишлаш самарадорлигини баҳолаш борасида ўтказилган экспериментлар натижаларига кўра, земснарядни бир полосадан иккинчисига ўтказишга сарфланадиган вақт ўртача 4 соат, бир пикетдан иккинчисига ўтказишга сарфланадиган вақт ўртача 36 соат, земснаряддан пульпапровод орқали намыв харитасига ташланган пульпани булдозер билан суриш ишларига тахминан $1,5 \div 2$ соат, земснарядни технологик совутиш вақти $1 \div 1,5$ соатни ташкил этади.

Шундай қилиб, сўриб олинadиган лойқанинг бир хил максимал чуқурлиги ва бир хил напорда, бир бирлик вақт мобайнида земснаряд томонидан сўриб олинган материал миқдори бўйича ўлчов амалга оширилиши белгиланган.

Диссертация доирасида такомиллаштирилган услуб ёрдамида Қарши машина каналининг I-НС га сув келтирувчи каналда ишлаётган земснарядларни ишончлилик ва самарадорлик ҳолатини баҳолаш ҳамда уларнинг мақбул сонини аниқлаш бўйича таҳлиллар диаграмма кўринишида 15 ва 16-расмларда келтирилган.



Расм-15. Қарши машина каналига сув келтирувчи каналдаги лойқани тозалаш учун зарур бўлган земснарядлар сони.



Расм-16. Қарши машина каналига сув келтирувчи каналдаги лойқани тозалашда ишлатилаётган земснарядларни фойдали иш коэффициентлари (ФИК).

15-16-расмлардаги маълумотларни таҳлилдан кўриниб турибдики, каналдаги лойқани тозалашда эксплуатация қилинаётган 17 та земснаряднинг 14 таси йил давомида амалга оширилиш режалаштирилган машина соатнинг ўртача 70 фоизга бажарган. № 8-20 дизел., № 8-29 элек. ва № 458 элек. рақамли земснарядлар эса мос равишда бор йўғи 31, 42 ва 58 фоизга бажарган холос. Земснарядларни фойдали иш коэффициентлари эса 0,6 ни ташкил этган. I-НС га сув келтирувчи каналда земснарядларни ишлаш ишончлилиги ва самарадорлигини пастлиги оқибатида меъёрий ҳужжатларга асосан 13 дона земснарядларни ишлаши етарли бўлган ҳолда амалда 17 дона земснарядлар ишлатилмоқда.

Диссертациянинг “Қарши магистрал каналининг I-насос станциясига сув олиб келувчи каналда сув оқими ва ўзан морфологияси параметрлари динамикаси ҳамда земснарядларни ҳаракатини мақбул бошқаришни

гидравлик моделлари” деб номланган бешинчи бобида дарё ўзани тубида лойқа оқизиклар динамикасини гидравлик модели, деформацияланувчи дарё ўзанларида лойқа оқизиклари ҳаракатининг имитация модели ва земснарядларни ҳаракатини мақбул бошқаришнинг гидравлик моделлари келтирилган.

Гидротехникадаги аксарият илмий-техник масалалар асосан Эйлер усули билан ечилади. Диссертация доирасида сув оқимидаги муаллақ ва туб оқизиклар ҳаракатини ифодалаш мақсадида Лагранж усулидан фойдаланилади.

Физик моделда муаллақ оқизикларни оқ рангли шарикчалар билан, туб оқизикларни эса қизғич рангли шарикчалар орқали ифодаланади. Сув оқимининг турли тезликларида сув оқимидаги муаллақ ва туб оқизикларнинг кинематик параметрлари, жумладан тезликлари ва траекториялари тадқиқ қилинди. Экспериментал тадқиқот натижалари асосида гидравлик моделлаштиришни амалга оширилди. Бунинг учун ўзан туби сирти бўйлаб “оҳу” текислик белгиланди. Сув оқимидаги муаллақ ва туб оқизиклар нафақат илгариланма балки ўз ўқи атрофидаги ва координаталар текислигига нисбатан айланма ҳаракатда бўлади. Шу сабабли, ҳар бир вақт интервалида муаллақ ва туб оқизик заррачалари ҳолати 5 та координаталар орқали ифодаланади. Чизилган 2 та x, y декарт ва ψ, ϕ, ϑ Лагранж координаталари орқали аниқланади. Яъни, сув оқимидаги оқизик заррачаларининг ихтиёрий вақт моментидаги ҳолатида $x, y, \psi, \phi, \vartheta$ ва ϑ координаталар мос равишда қандайдир қийматларни қабул қилиши мумкин. “ОХУ” координата текислиги белгиланган сирт силлиқ сирт деб фараз қилсак. У ҳолда сувдаги лойқа заррачаси $x, y, \psi, \phi, \vartheta$ координаталар билан аниқланадиган ҳолатдан $x+dx, y+dy, \psi+d\psi, \phi+d\phi$ ва $\vartheta+d\vartheta$ чексиз кичик масофадаги ҳолатга узлуксиз кўчади.

Амударё дарёсининг тўғонсиз сув олиш иншооти ҚМК нинг I-НС га сув келтирувчи канални сув олиш участкасида сувни лойқалигини аниқлаш бўйича олинган намуналарни лаборатория таҳлилларига кўра сув оқимида фракцияси 0,05-0,01 мм бўлган оқизик заррачалари ўртача 70,3 фоизни, <0,01мм-14,3 фоизни, <0,001мм-3,73 фоизни, 0,10-0,05мм- 5 фоизни, 0,01-0,005 мм-5,6 фоизни ташкил этади. Шу сабабли оқимдаги оқизик заррачаларини функциялар бўйича тизимларга ажратилади. Демак сув оқими узлуксиз муҳит сифатида қаралиб турли тизимлардан ташкил топган деб фараз қилсак. Ушбу тизимлар мос равишда q_1, q_2, \dots, q_n координталар билан аниқланади. Яъни тизимларни ихтиёрий вақт t моментидаги конфигурацияси юқорида қайд этилган координаталар орқали ифодаланади. Ҳар бир тизимдаги m_i массага эга лойқа чўкинди заррачаси ҳолатини мос равишда x_i, y_i, z_i координаталар орқали аниқланади. У ҳолда x_i, y_i ва z_i координаталар q_1, q_2, \dots, q_n катталикларини ва t вақтнинг функцияси ҳисобланади ва куйидагича ифодаланади;

$$\begin{cases} x_i = \vartheta_i(q_1, q_2, \dots, q_n, t) \\ y_i = \phi_i(q_1, q_2, \dots, q_n, t) \\ z_i = \psi_i(q_1, q_2, \dots, q_n, t) \end{cases}, \quad (1)$$

Агарда m_i массали лойқа оқизик заррачасига таъсир этувчи (ташқи ва ички) кучларнинг тенг таъсир этувчи компонентлари F_i^1, F_i^2 ва F_i^3 бўлса, у ҳолда m_i массали лойқа оқизикларнинг ҳаракат тенгламаси куйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{cases} F_i^1 = m_i \frac{\partial^2 x_i}{t^2} \\ F_i^2 = m_i \frac{\partial^2 y_i}{t^2}, \\ F_i^3 = m_i \frac{\partial^2 z_i}{t^2} \end{cases} \quad (2)$$

(2) тенгламалар тизимини мос равишда $\frac{\partial \vartheta_i}{\partial q_r}$, $\frac{\partial \varphi_i}{\partial q_r}$ ва $\frac{\partial \psi_i}{\partial q_r}$ ҳолларга кўпайтириб, тизимни барча заррачалари бўйича ёзамиз. Тегишли математик амаллардан сўнг қуйидаги тенгламалар тизимига эга бўламиз:

$$\sum_i m_i \left(\frac{\partial^2 x_i}{\partial t^2} \frac{\partial \vartheta_i}{\partial q_r} + \frac{\partial^2 y_i}{\partial t^2} \frac{\partial \varphi_i}{\partial q_r} + \frac{\partial^2 z_i}{\partial t^2} \frac{\partial \psi_i}{\partial q_r} \right) = \frac{1}{2} \sum m_i \frac{d}{dt} \left(\frac{\partial}{\partial \dot{q}_r} (\dot{x}_i^2 + \dot{y}_i^2 + \dot{z}_i^2) \right) - \frac{1}{2} \sum_i m_i \frac{\partial}{\partial \dot{q}_r} (\dot{x}_i^2 + \dot{y}_i^2 + \dot{z}_i^2) \quad (3)$$

(3) тенгламалар тизимидаги $\frac{1}{2} \sum m_i \left(\left(\frac{\partial x_i}{\partial t} \right)^2 + \left(\frac{\partial y_i}{\partial t} \right)^2 + \left(\frac{\partial z_i}{\partial t} \right)^2 \right)$ ифода ҳар бир функцияси оқизик заррачалар массаларини, заррачалар тезликлари квадратларига кўпайтмаси йиғиндисининг ярми лойқа оқизиклар ҳаракатининг кинетик энергиясини ифодалайди. Тегишли математик амаллардан сўнг дарё ўзани тубидаги рифель ҳаракатини ифодаловчи (4) тенгламага эга бўлдик:

